



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 5 июль, шанба

№54 (11.545)

Эркин нарҳда сотилади

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕГАРАЗ ЁРДАМИ

Япония ҳукумати Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш учун стипендия тақдим этиш грант лойиҳаси бўйича 2003 миллион-вий йилга мўлжалланган 58 миллион иена миқдорига бегараз ёрдам ажратди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасида алмашув нотасини имзолашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Япония

ўртасида барча жабҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Мазкур грант ўзбекистонлик талабаларнинг Япония олий ўқув юртларида таълим олиши учун ажратилди.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзолади.
Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎЗА.

Чиноз туманидаги марказий ўйингоҳ туман ҳокимлиги ташаббуси билан 20 кун ичида қайтадан таъмирланиб фойдаланишга топширилди



ЧИНОЗДА СПОРТ БАЙРАМИ

Вилоятимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, уни оммавийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонидан кейин бу ҳаракат янгича мазмун касб этди. Тадбирлар ишлаб чиқилди. Аввало, бу тадбирларнинг асосини шаҳар ва туманлардаги мавжуд спорт майдонлари, ўйингоҳлар ва мажмуаларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга эришиш ташкил этади. Шу мақсадда айни кунларда бир қатор ўйингоҳ ва спорт иншоотлари таъмирланмоқда, спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда. Бунга

шу йилнинг 2 июль куни Чиноз туманида бўлиб ўтган катта тадбир яққол мисол бўла олади. Шу куни туманда ҳокимлик ташаббуси билан тўлиқ қайта таъмирланган ва замонавий кўрим толган туманнинг марказий ўйингоҳи ўз фаолиятини том маънода қайта бошлади. Бизни мамнун этган нарса шу бўлдики, унинг очилиш маросими туман аҳлининг, спорт ишқибозлари ва болаларнинг катта байрамига айланиб кетди. Шу куни ўйингоҳга 10 мингга яқин чинозликлар ташриф буюришди. Бизга айтишларича, яқин ўртада туман ўйингоҳи бунчалик гавжум бўлмаган.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«АВВАЛ ЎЗ ХОНАНГА БОҚ»

(2003 йил 19 апрель)

Юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган танқидий мақолада Бекобод туманидаги айрим маданий-маърифий масканларнинг, маъмурий идораларнинг ораста эмаслиги, биноларнинг деворларию пештоқлари таъмирталаб бўлиб ётганлиги, ҳатто, баъзи жойларда ташкилот раҳбари ўтирадиган хоналарнинг девор шувҳоқлари кўчиб, поллари синиб ётганлиги ҳақида сўз юритилган эди.

Мазкур мақола юзасидан Бекобод тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари К. Мавлонов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Мақола ҳокимлик ижтимоий масалалар мажмуаси йиғилишида муҳокама қилинди. Унда келтирилган танқидий фикрлар тўғри эканлиги эътироф этилиб, Бекобод педагогика коллежи директориға камчиликлари кўрсатиб ўтилди. Тумандаги 49-, 36-ўрта мактабларда ободончилик, мактаб биноларини таъмирлаш ишлари бошланганлиги, «Бекобод» ширкат хўжалиги идораси тартибга келтирилганлиги маълумот учун қабул қилинди».

Шунингдек, жавоб хатида ушбу мақола туман халқ таълими бўлими кенгашида муҳокама этилганлиги ҳамда 49- ва 36-ўрта мактабларнинг директорларига ҳайфсан эълон қилинганлиги маълум қилинади. Барча мактаб директорлари зиммасига, аввало, ўз хоналарини тоза, озода сақлаш, мактабларда ободончилик ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилганлиги ҳам таъкидланади.

Ғалла — 2003



Оққўрғон туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил 217 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштириб, режани барвақт уддаладилар. Айни кунларда улар ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

СУРАТДА: пудратчи деҳқон Умарали Давлатов ҳосил чўғидан мамнун.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ЯНА БИРИНЧИ

Ҳамиша илғор бўлиб келган инсонларда ўз-ўзига бўлган талабчанлик, масъулият ҳисси кучли бўлади. Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида бўлиб, далада меҳнат қилаётганларнинг иши билан танишганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик. Чунки, охунбобоевликлар бу йил ҳам экинлардан баракали ҳосил етиштирмоқдалар. Айниқса, ғаллакорлар меҳнати қувончли бўлди. Улар бу йил ҳам 150 гектар майдондаги ғаллани уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олдилар, ҳосилдорликни 45 центнерга етказдилар. Давлатга ғалла сотиш режасини биринчилардан бўлиб бажардилар. Тумандаги «Тошкент», Фиёс Умаров номли ширкат хўжаликлари ҳам ғаллани йиғиб-териби олиш ва режани адо этишда ғайрат кўрсатдилар.

Феруза БАҲРОМОВА.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 2003 йил 5-6 июль кунлари Алмати шаҳрига ташриф буюради.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти В.Путин 2003 йил 6-7 июль кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши режалаштирилмоқда.

«Ҳамдўстлик» клуби

СУҲБАТ МАВЗУИ:

ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ

Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ролини қандай қилиб ошириш мумкин? Иқтисодиёт, бизнес, ижтимоий соҳада тобора кўпроқ аёллар етакчиликка ўтишлари учун нима қилмоқ керак?

Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Ҳамдўстлик» аёллар клуби ва Исроиининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган «давра суҳбати»да шу каби нооддий саволлар ўртага қўйилди.

«Ўзбекистон ва Исроилда аёлларнинг аҳволи ва нодавлат хотин-қизлар ташкилотларининг роли» мавзусида кенг фикр оли-

шув бўлиб ўтди.

Исроил Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурдаги Халқаро ҳамкорлик марказининг ходимлари Фанкет Модек билан Ольга Левитанская ҳозир бўлганларга ўз мамлакатларида хотин-қизлар масаласи қандай ечим топаётганлиги ҳақида гапириб беришди. Маълум бўлишича, мамла-

(Давоми 2-бетда).

"Экосан маҳаллада" дастури амалда

"Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси фаоллари йиғилишида "Экосан маҳаллада" мақсадли дастурининг амалга оширилиши муҳокама этилди.

«Экосан маҳаллада» дастури Ўзбекистонда жорий йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган эди. Йиғилишда ўтган ярим йил ичида бу борада муайян ишлар амалга оширилгани таъкидлан-

ди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро тузилмалар, чет эл мамлакатлари элчихоналари билан ҳамкорлик кенгайди. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган мақсад экологик тарбия ва таълим, табиатни му-

ҳофаза этиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Экология ва саломатлик кунлари ҳамда мақсадли дастур доирасида "Оролбўйи оналари ва болаларига" шиори остида иккита умумреспублика экологик шанбалиги ўтказилди. Ушбу шанбаликларда 6 миллионга яқин

киши иштирок этди. Шунингдек, бу борада "Энг обод маҳалла" кўрик-танлови эълон қилиниб, уларнинг иккита босқичига яқин ясалди. Босқич яқунлари бўйича Қарши шаҳридаги "Роғузар", Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Зангиота" маҳаллалари голиб чиқди.

Шу билан бирга, йиғилишда 19 июлда Қорақалпоғистонга қиймати 20 миллион сўмдан иборат инсонпарварлик юки ортилган навбатдаги саломатлик поездини жўнатиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

ХДП ҳаёти

ҲАМКОРЛИК РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши билан «Семурғ» халқаро хайрия жамғармаси ўзаро ҳамкорлик фаолияти тўғрисида шартнома имзолади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга итоаткорлик руҳини тарбиялаш, озоликдан маҳрум этилган, жинсий жазони утаётган шахсларда Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, барча миллатларга нисбатан ҳурмат фазилатларини юксалтиришга ҳамда ёшлар тарбиясида оила масъулияти, жамоатчилик таъсирини оширишга доир маънавий, ҳуқуқий-тарбиявий ишлар мажмуасини амалга ошириш унинг асосий йўналишларидир.

Маҳкумлар ва маҳкумлар яшаган маҳалла фуқаролари орасида жиноятчиликнинг келиб чиқиши ва унинг олдини олишга доир муаммолар прокуратура ва ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ўрганиб борилади. Ёш оилаларни мустақамлаш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш дастурларини бажаришда ҳамкорлик қилинади.

Жазони уташ жойидан овоз этилган ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш ва қўшимча иш жойларини ташкил этиш мақсадида кичик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш чора-тадбирлари курилади.

Шартномани Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Аъзамов ва «Семурғ» халқаро хайрия жамғармаси раиси Р. Мирқосимов имзоладилар. **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг матбуот хизмати.**

МАСЛАҲАТ МАРКАЗЛАРИ ХИЗМАТДА

Вилоятимизда турли шаклдаги хусусий тадбиркорлик тузилмалари, жумладан, уларнинг кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари каби шакллари тобора кўпайиб борапти.

Бу ўз навбатида ушбу ҳаракатда иштирок этаётган фуқароларнинг турли соҳалардаги билим даражаларини оширишни тақозо этмоқда.

Айниқса, хўжаликни юритиш кўникмалари ва ҳуқуқий саводхонликларини чуқурлаштириш замон талаби бўлиб қолди.

Шунинг учун вилоятимизда уларга бу йўналишларда амалий ёрдам берувчи муассасаларнинг бутун бир мажмуи яратилган. Шаҳар ва туманлар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат марказлари шулар жумласидандир. Уларнинг мутахассислари тадбиркорларнинг яқин ёрдамчилари бўлиб қолишган. Айниқса, марказлар ишбилармонларда бозор иқтисодиёти, солиқ, кредитни расмийлаштириш ва олиш, ҳақ-хуқуқларини билиш ва бошқа шу каби муҳим соҳалар ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришда фаол қатнашмоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 650 нафарга яқин тадбиркорлар ўқитилди. Улар қисқа муддатли курсларга, семинар-кенгашларга жалб қилинди.

Собир ҲАМИДОВ.

ОДАМЛАР ТУШУНСИН

Гиёҳвандликка қарши курашиш мақсадида вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида кенг омма билан турли мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, турли давралар ўтказиб келинмоқда.

Бундай учрашувларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — гиёҳвандликнинг салбий таъсири, қандай оқибатларга олиб келиши ҳақидаги тушунтириш ишларида ижобий натижаларга эришишдир.

Зангиота туманининг Зангиота қишлоғида маҳалла оқсоқоллари, кўмита раислари, фаол аёллар иштирокида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан гиёҳвандлик муаммосига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда туман саломатлик марказининг бош шифокори Эркин Жўраев сўзга чиқиб, гиёҳвандлик жамиятга қарши эканлигини, унинг салбий асоратлари, ОИТС ва қатор шу каби касалликлар тўғрисида маърузалар қилдилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган ушбу учрашув иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.



Ушбу тадбирда бир қатор меҳмонлар, хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди. Тадбирни очар экан, Чиноз туман ҳокими Йўлдош Тожибоев шундай деди:

— Туманимизнинг бош ўйингоҳини таъмирлаш туманимизда бошланган катта ишларнинг деб-бачасидир. Биз келгусида маҳалла, қишлоқ, муассасалардаги барча ўйингоҳларнинг таъмирлаш режасини ишлаб чиққанмиз.

Шунингдек, ҳоким туманда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш борасида қилинаётган ишларга тўхталар экан, бу борада жисмоний тарбия ва спортнинг роли алоҳида эканлигини таъкидлади. Шу мақсадда тумандаги марказий ўйингоҳ йиғирма кун ичида тубдан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Шуниси эътиборга лойиқки, ўйингоҳни таъмирлаш, жиҳозлашга тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар ўз ҳиссаларини қўйишди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЧИНОЗДА СПОРТ БАЙРАМИ



Дарҳақиқат, бундан бир ой муқаддам бу ўйингоҳни кўрган киши энди уни таний олмаслиги аниқ. Текис, ям-яшил майдон, югуриш йўлаклари, турли кўргазмалар воситалар, барча қулайликларга эга ўриндиклар...

Хуллас, ҳамма-ҳаммаси ўйингоҳга ўзгача руҳ бағишлаб турибди. Туман ҳокими айтганидек, Чиноздан ажойиб спортчилар етишиб чиқди. Улар кўплаб республика, халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг голиблари бўлишган. Бундан кейин ҳам ушбу ўйингоҳ кўплаб нуфузли спорт мусобақаларининг мезбонига, таниқли спортчиларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ўйингоҳни қайта таъмирлаш жараёнида ёшлар учун, болалар учун алоҳида имконият яратишга ҳаракат қилинди. Эндиликда бу ерда кўплаб спорт тўғараклари ўз фаолиятини бошлайди, мураббийлар ажратилди. Уларнинг аксарияти, ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга

оширилади.

Ҳақиқатдан ҳам Чинозда спортга қизиқиш катта. Шу кунги туманининг бош ўйингоҳида ёш спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Таэквандо, каратэ, ушу билан шуғулланаётган ёшлар, айниқса, «Оловли Аждар» клуби аъзоларининг чиқишлари ҳаммага манзур бўлди.

Спорт байрамининг асосий тантанаси сўзсиз Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иштирок этиб, голиблик соврини билан қайтган чинозлик ёшларнинг тақдирланиши бўлди. Ҳокимлик ва ҳомийлар ўзлари таъсис этган махсус совгаларни топширишар экан, уларни келажакда катта спортчи бўлиб етишишларига умид билдирдилар.

Хушнота МҶМИНОВА.

СУРАТЛАРДА: ўйингоҳнинг очилиш маросимидан лавҳалар. **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

«Ҳамдўстлик» клуби

СУҲБАТ МАВЗУИ:

ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ

катимиз ўртасида бу масалада ўрнатилган кўп.

Уларда ҳам, бизда ҳам тобора кўпроқ аёллар давлат хизматида мартабали лавозимларда фаолият юритмоқда. Бироқ, хотин-қизларнинг асосий қисми ижтимоий ҳаётда ҳали-ҳамон суст қатнашаётир.

— Мақсадимиз — хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга тобора дадил жалб қилиш, маданият муассасаларими, тижоратми, сиёсатми — ҳар қандай соҳада улар муваффақиятли ишлашлари учун шарт-шароит яратиш-

дан иборат. Долзарб масалалар хусусида рўй-рост фикрлашиб олиниб, тажрибалар билан ўртоқлашиш, турли мамлакатлар аёлларининг ўзаро муомалага киришишида бундай суҳбатларнинг нафи катта, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова.

Ҳақиқатдан ҳам хотин-қизларни фаоллаштиришда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ҳамдўстлик» клубининг роли катта бўлапти. Ташкил этилганига бир йилга яқинлашиб қолган бу клуб шуғулланаётган фаолият доираси кенг — у семинарлар, хилма-



хил муаммолар бўйича учрашувлар ўтказиш, хотин-қизларга ўз тижорат ишларини очишларига кўмаклашишни ўз ичига олади. Бу «давралар суҳбати» ана шундай тадбирларнинг бири. Ўзаро фикр олишув катта концерт дастури билан яқунланди. Болгария ва Исроил маданият мар-

казларининг ҳаваскор ижрочилари ўз санъатларини намойиш этишди.

«Давра суҳбати»да Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Давр ва ахборот технологияси

Тошкент давлат техника университетида таълим ва иқтисодий ўсишни ривожлантиришда янги ахборот ва замонавий технологияларни қўллашга бағишланган халқаро илмий семинар очилди.

Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жанубий Корея Логос менежмент уюшмаси /КАЛМ/ ҳамда Тошкент давлат

техника университети ҳамкорликда ташкил этди.

Анжуман олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бо-

раётган профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантларнинг фан ва техника йўналиши бўйича изланишларини таҳлил этиш, икки мамлакат олимларининг илм соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда мамлакатимиз мутахассислари ва корейлик

олимлар уч кун давомида илмий маърузалар билан қатнашади. Иқтисодий ривожланиш, ахборот технологиялари, таълим ва бизнесни ривожлантириш, замонавий технологияларни қўллаш бўйича фикр алмашади.

Тадбирда олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда мухтор элчиси Ким Сонг Хван сўзга чиқдилар.

У.А.

Фермеримиз Америкага отланди

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўтган давр мобайнида бу борада сезиларли ишларни амалга оширди. Жумладан, шу пайтга қадар бир гуруҳ фермерларимиз Туркия ва Ҳиндистонда бўлиб, ҳоррижлик фермерлар тажрибасини ўрганиб кайтди.

Навбатдаги гуруҳ — олти нафар ҳамюртимиз Америка Қўшма Штатларига борадиган бўлди. Улар АҚШ давлат департаменти дастури бўйича ушбу мамлакатда, асосан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида бир йил давомида тажриба орттиради. Бу лойиҳани Ўзбекистоннинг Янги юкори технологиялар маркази ва АҚШнинг Keli Global Group Inc. ташкилоти ҳамкорликда амалга ошироқда.

Уларнинг ичида вилоятимизнинг Ўртачирчиқ туманидаги "Бўри ота" фермер хўжалиги аъзоси Сухроб Солиев ҳам бор.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Янги юкори технологиялар маркази келгусида фермерларимизни бошқа ривожланган давлатларга юбориш юзасидан ҳам музокаралар олиб бормоқда.

Лазиз НИЁЗОВ.

Кўрик-танлов

ЧИРЧИҚЛИКЛАР ҒОЛИБ

Чирчиқ шаҳридаги маиший хизмат касб-хунар коллежида вилоят касб-хунар таълими бошқармасининг савий-харакатлари билан «Энг иқтидорли мутахассис» кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда касб-хунар коллежлари ўртасида ўтказилган биринчи босқич мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган 22 та коллежининг 76 нафар ўқувчилари иштирок этди.

Иккинчи саралаш босқичида танлов иштирокчилари тикувчилик, ошпазлик, сартарошлик, радиотехника ва бошқа касбларнинг мутахас-

сислиги бўйича беллашдилар.

Танлов якунига кўра Чирчиқ шаҳар педагогика, маиший хизмат касб-хунар ҳамда Янгийўл шаҳар маиший хизмат кўрсатиш коллежлари ғолиб деб топилди. Ғолибларга танлов ҳомийларининг эсдалик совғалари топширилди.

Мансур МАҲМУДОВ.

Тадбир

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат ички ишлар, суд ва прокуратура ходимларининг, балки жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, хуллас, ҳаммамизнинг ишимиздир.

Куни кеча Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номли кутубхонада «Жаҳон тараққиётига таҳдид» шиори остида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

Унда «Дўстлик», Охунбобоев номли, «Умид» маҳаллаларининг оқсоқоллари, посбонлари, тарбиячилари, маҳалла

аҳли ҳамда ёшлар, шунингдек, ички ишлар бўлими, суд-прокуратура ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирга йиғилганлар гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашга бағишланган кўргазмалар билан танишдилар.

Лазиз НИЁЗОВ.

Қишлоқ ва ислоҳот

ИЗЛАНГАНГА ХАЗИНА

Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалиги меҳнаткашлари чорвачиликдан қандай қилиб мўмай даромад олмоқдалар

Тўғри, хўжаликда деҳқончилик, хусусан, ғаллачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Сир эмас, айрим хўжаликлар суғориладиган ерлардан кўпи билан 40-45 центнердан ғалла олаётган бир пайтда бу хўжаликда ҳосилдорлик 60 центнердан кам бўлмайди. Газетамиз саҳифаларида хўжаликнинг бу соҳадаги бой тажрибаси ҳақида батафсил ҳикоя қилган эдик ва айни пайтда чорвачиликда эришилаётган ютуқларни ҳам кенгроқ ёритишни кўнгилга тугиб қўйгандик.

— Гап шундаки, — деган эди ўшанда хўжалик бошқаруви раиси Тоҳир Холтоев, — ғаллачиликда қўлга киритилаётган ютуқлар чорвачиликни ҳам юксалтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун кенг имконият яратмоқда.

Раиснинг бу гаплари бундан уч-тўрт йил илгари бир хўжаликда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида одамларнинг сўзга чиқиб, куюниб гапирганларини ёдга солди. Улар «чорвачиликни етти хазинанинг бири деймиз-у, нега бизнинг хўжаликда хазина бойиш ўрнига совурилмоқда? Қачонгача бу тармоқ асосий экинимизга тушаётган зарпечак бўлиб қолади?» дейишганди.

— Чорвачиликка ҳам меҳр, ихлос керак-да, — деб жавоб берган эди ўшанда мутасаддилардан бири. — Бу соҳага эътиборни кучайтириб, чорва наслини яхшилаб, маҳсулот олишни кўпайтириб, даромадни ошириш билан астойдил шуғулланмасдан, қийинчиликлардан чўчиб, осон йўлдан борилса, албатта, тармоқ ўнганмайди.

Биз бу гапларни раисга эслатдик.

— Чорвадорлик шарафли касб, — деб жавоб берди у. — Чорвадор ўзини сенласа ҳам чорвасини сизлаши керак. Чунки, кейинги пайтда у жуда асқотадиган тармоқ бўлиб қолди. Мана, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. Деҳқонлар манфатдорлик билан ишлаши учун ойлик машини вақтида бериб бориш керак. Лекин ҳар доим ҳам бунинг имкони бўлавермайди. Негаки, транш пуллари

кўрсатма билан келади. Ана шундай пайтда хўжаликка чорвачилик «ёрдам»га келади. Ҳозирги кунда ўрта ҳисобда 2800 литр сут соғилаяпти. Бунинг 2 минг литри сотилади ва ҳар куни 390 минг сўм нақд пул тушади. Ойига ҳисоблайдиган бўлсак, гўшт, сут сотишдан 15-16 миллион сўм даромад олинади. Қишлоқ меҳнаткашларининг ойлик маошлари узлуксиз тўлаб борилаётганлигининг сири ҳам шунда. Айни пайтда чорвадорлар сутнинг таннархини иложи борича камайтириш йўллари изламоқда. Масалан, ўтган йилнинг май ойидан бошлаб, хўжаликда атала цехи ишга тушди. У илиқ ҳолда сигирларга ичирилади. Бу тадбир биз кутгандан ҳам ортиқ натижа берди. Бир сигирдан кунига 10-15 литрдан сут соғиб олина бошланди.

Лекин озуқа ҳамма сигирларга ҳам бир хил меъёрда берилмайди. Сутини кўпайтираётган сигирлар рационали бойитиб борилади. Шу тариқа ялпи маҳсулот кўпаяди. Ҳисоблаб чиқдик. Бизда бир килограмм сутнинг таннархи салкам 92 сўмга тўғри келиб, 175 сўмдан сотилмоқда. Ўтган йили чорвачиликдан 80 миллион 859 минг сўм фойда олдик.

Оилавий пудрат чорвачиликда ҳам меҳнатни ташкил этишнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Ҳар бир оила ўзининг имконияти, жон бошига қараб, ўрта ҳисобда 18-25 бош сигир боқади. Топширилаётган маҳсулотнинг миқдори, сифати, сутнинг ёғлилик даражасига қараб ҳақ олади. Оилавий пудратчи чорвадорларнинг тармоқни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси йил сайин ортиб бормоқда. Биз чорвачиликдаги ишлар билан танишар эканмиз, бу ерда амалга оши-



рилаётган бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. Гап шундаки, хўжалик чорвадорлари халқаро Икарда ташкилотининг олимлари билан қўйчиликни янгича изга сола бошладилар. Четдан олиб келинган зотли кўнкорларнинг уруғи билан совлиқлар сунъий урчитила бошланди. Ундан ҳам гўштбоп, ҳам серёғ сут берадиган қўй зотлари олинапти. Бир литр қўй сuti икки-уч литр сигир сутининг ўрнини босади. Чунки қўй сutiда ёғ миқдори ҳамда инсон саломатлиги учун зарур бўладиган бошқа витаминлар кўп бўлади. Шунинг учун сут йўналишидаги зотдор қўйларни кўпайтириш мақсад қилиб қўйилди ва зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирнинг қанчалик тўғри ва кўзда тутилганидек амалга оширилаётганлиги олимлар, мутахассислар томонидан назорат



қилиб борилади. Келгусида қўй сутини қайта ишлаб, турли хил маҳсулотлар олиш йўлга қўйилади.

Ҳақиқий чорвадор соф фойда олишнинг янги йўллари излаб топади. Бу соҳада «бойқозон»ликлардан ўртак олса арзийди. Ўтган йилдан бошлаб йилқичилик ҳам йўлга қўйилди. 50 тага яқин бия боқилмоқда. Улардан 25-30 та кулун олинади. Отчилик қишлоқ хўжалиги ишларида техникадан фойдаланишни бирмунча ихчамлаштиришга, яъни ортиқча сарф-харажатларни камайитиришга имконият яратмоқда.

Келгусида йилқичилик ривожланиб боради. Улар шифобахш бия сuti — қимизни идишларга жойлаб, дўконларга чиқариб сотишни ҳам йўлга қўйишни мўлжалламоқдалар.

Хўжаликда шунингдек, 50 та уяда асалари боқилмоқда. Ҳар уядан 7-8 килограммдан маҳсулот олинади, унинг ҳар килограмми 1,5 минг сўмдан сотилмоқда. Асалнинг даволиги унинг табиийлигидадир. Шунинг учун хўжалик асаларичилари эрта кўклам ва баҳорнинг айни қизгин дамларида асалари уяларини кўпроқ тоғ ёнбағрларида боқишга катта аҳамият берадилар.

«Бойқозон»ликлар ҳақиқатан ҳам чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида меҳр ва ихлос билан муносабатда бўлмоқдалар. Бизга келгусида бу йўналишда яна бир қатор режалар белгиланаётганлигини айтишди. Улар ҳақида келгусида ҳикоя қиламиз.

Ферма эришаётган ютуқларининг салмоқли бўлишида у ерда меҳнат қилаётган ҳар бир чорвадорнинг ҳиссаси бор.

Носур РИХСИЕВ.

СУРАТЛАРДА: бузоқбоқар Саидахрор Икромов; сут соғувчилар Санобар Акбаров, Дилобар Бадалова, Ҳидоят Абдуллаевалар, айниқса, кўпчиликка ўртак бўлмоқдалар

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Dushanba

7

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Камалак»
Болалар учун кинодас-тур.
9.30 «Тўртинчи ҳокими-ят»
9.50 «Энг ширин қовун». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 Тирик сайёра: «Ноилж сайёдлар»
10.55 «Ажаб саодат эрур». Бадий публицистик кўрсатув.
11.15 «Оламини асранг!»
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
11.55, 13.05, 13.55 ТВ

анонс.
Эзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Олтин тож».
Телевизион ўйин. 2.
«Улғайиш погоналари».
13.10 «Яхшилик».
Телешоу.
14.10, 15.45 ТВ клип.
14.20 Кундузги сеанс:
«Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм.
1-қисм.
15.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.55 «Қонун ва ижро».
16.20 «Камила». Телесе-риал.
16.50 «Аския».
Эзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
17.05 1. «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
2. «Покахонтас».
Мультсериал.
18.10 «Ўзбектефильм»

намоиши: Ўзбек спорти жаҳон майдонида:
«Нағнода бир кун».
18.25 «Қалб гавҳари».
18.45 Эстрада тарона-лари.
19.05 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчи-лик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» телеканаллида илк маротаба: «Камила». Телесе-риал.
22.05 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
22.40 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли телесе-риал премьераси.
23.00 «Ахборот-дай-жест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Давр» ҳафта ичида.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 Бахтли болалик кўшиқлари.
17.15 Спорт ҳафтанома-си.
17.30 «Антиқа томоша». Хужжатли фильм. 5-қисм.
17.55 «Мульттомоша».
18.10 Ёшлар овози.
18.30 ТВ - анонс.
18.35 Тафаккур ёлқинла-ри.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Муסיқий лаҳза-лар.
19.50 Куёшли юрт одамлари.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарх.

20.35, 21.20, 22.35 Ёшлар овози.
20.40 «Гвадалупе». Телесе-риал.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телека-налида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.20, 22.30 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатли-ги йўлида».
19.15 ТТВда сериал.

«Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.40 «Хусусийлашти-риш: қадам бақадам».
22.00 «Аvtо-news».
22.15 «Моҳир».
22.55 Кнонигоҳ. «Муҳаб-бат дарди».
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканалли

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Уимблдон теннис турнири».
17.15 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Муз даври».
Сериал.
ЎЗТВ-IV.
21.40 «Бизнес ревию».
21.45 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
22.20 Кинематограф.
«Чакмоқ давон».
Бадий фильм.
24.00 «Ахборот».
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55Ғача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очили-ши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Гано-вер-стрит». 19.30 «Оши-қона» муסיқий дастури.
19.45 «Бизнинг шаҳарлик йигитлар». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Олийжаноб жасурилик». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

8

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Буюк Ипак йўли. Бахши».
9.20 «Рангин дунё».
9.40 «Тайёрланмаган дарслар мамлақати». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Мулқдор».
10.25 Тирик сайёра.
«Ноилж сайёдлар».
11.15 «Портретга чизгилар».
11.35 «КиноТеатр».
11.55, 15.45 ТВ анонс.
12.05 Муסיқий танаф-фус.
12.20 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.30 «Муносабат».
14.10 Кундузги сеанс:
«Тошда ҳам дарахт

ўсади». Бадий фильм.
2-қисм.
15.25 «Санъатга бахши-да умр».
15.50 «Камила». Телесе-риал.
Эзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
16.50 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.50 ТВ клип.
18.10 «Ўзбектефильм» намоиши: Болалар спорти: «Шатранж».
18.20 «Баркамол авлод орзуси».
18.40 Репортаж.
18.50 «Олтин бешик».
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар овози.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 «Хатарли «савдо» Хужжатли фильм.
21.30 «Ўзбекистон» телеканаллида илк маротаба: «Камила».
22.00 Болалар спорти: Спорт кийимлари.
22.15 «Тарих кўзгуси».
22.35 «Хотира саодати» Бадий фильм. 1-қисм.
23.40 «Ахборот-дай-жест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонги сериал: «Доктор Финли» 5 - қисм.
10.05 ТВ - анонс.
10.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаф-фус, Бахтли болалик, Мультфильм.
11.00 Бизнес - акаде-мия.
11.20 «Гвадалупе». Телесе-риал.
12.00 Саломатлик

сирлари.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 «Шарқ таронала-ри» фестивали оҳангла-ри.
12.50 Хазина.
13.00 Давр.
13.10 Эзги таътил экранли: «Самовий саргузаштлар» 17 - қисм.
13.35 ТВ - анонс.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.40 «Ҳақиқат чегара-си». Сериал.
16.05 Куёшли юрт одамлари.
16.25 Жаҳон жүгрофия-си.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
17.30 Иигит омон бўлса.
17.45 ТВ - анонс.
17.50 Таянч.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 «Ёшлар» телекана-

лида премьераси: «Антиқа томоша». Хужжатли фильм 6-қисм.
20.20 Муסיқий лаҳза-лар.
20.35, 21.20, 22.35 Ёшлар овози.
20.40 «Гвадалупе». Телесе-риал.
21.25 Бир ўлкаки...
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телека-налида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.50 «Ноқдаун». Бадий фильм.
1.00-1.05 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экранли».
18.30, 20.00, 21.20, 22.05 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Химоя».
19.15 ТТВда сериал.

«Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.40 «Ҳамшаҳарлар».
22.30 Кнонигоҳ. «Нозик кўллар».
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканалли

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести-спорт».
17.20 «Дунё мамлақат-лари».
17.40 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.55 «Саҳна ортида».
Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Муз даври».
Сериал.
ЎЗТВ-IV.
21.40 «Бизнес ревию».
21.45 «Х-спорт».
22.00 «FCN Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)
22.10 Ф. Киркоровнинг концерт дастури.
00.10 «Ахборот».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очили-ши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Олийжа-ноб жасурилик». Драма. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесе-риал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30»да спорт. 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Сува-раклар». 19.30 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 19.45 «Бешикчи фариш-та». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Тангридан ҳеч қандай дарак йўқ». 23.15 «Рест-линг титанлари».

Chorshanba

9

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Сато».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Тафсилот».
10.20 Тирик сайёра.
«Ноилж сайёдлар».
11.10 «Баркамол авлод орзуси».
11.30 «Хатарли «сав-до». Хужжатли фильм.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
12.05 ЎзТВ хазинаси-дан. В. Гюго. «Кирол-нинг дилхуши». Видео-фильм.
13.40 Болалар спорти: Спорт кийимлари.
14.10 «Истеъмолчи».

14.30 ТВ клип.
14.35 «Тарих кўзгуси».
14.55 «Кичик дўстлар саргузаштлари». Мульт-фильм.
15.30 «Ягона оилада».
16.00 «Камила». Телесе-риал.
Эзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Қизикарли учрашув-лар».
3. «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
18.10 «Хунарманд».
18.30 «Умид». Телелоте-рея.
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Ринг». Спорт дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист

тахлили».
21.20 «Ўзбекистон» телеканаллида илк маротаба: «Камила». Телесе-риал.
21.50 «Саломатлик гарови».
22.10 ТВ клип.
22.15 «Тараққиёт уфқлари».
22.35 «Хотира саодати». Бадий фильм. 2-қисм.
23.40 «Ахборот-дай-жест».
24.00.00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонги сериал: «Доктор Финли». 6 - қисм.
10.05 «Давр» - интер-вью.
10.20 ТВ - анонс.
10.25 Таянч.
10.45 Кинотақдим.
11.05 Иигит омон бўлса.
11.20 «Гвадалупе».

Телесе-риал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Риштон мўъжиза-си». Телесе-риал.
12.30 Юртим кўрки.
12.50 Кўҳна оҳанглар.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Эзги таътил экранли: «Самовий саргузаштлар» 18 - қисм.
13.35 «Кўрқоқ бегемот». Мультфильм.
13.55 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарх.
14.15 Ёшлар телекана-лида спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
15.20 Бир ўлкаки...
15.40 «Ҳақиқат чегара-си». Сериал.
16.05 Автопатрул.
16.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 Уйна, болажон, уйна.
17.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
18.00 «Мульттомоша».
18.15 ТВ - анонс.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Зинама-зина» телеуйини.
20.00 Спорт- лото.
20.10 Муסיқий лаҳза-лар.
20.20 Фазал соғинчи.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар овози.
20.45 «Гвадалупе». Телесе-риал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телека-налида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экранли».
18.30, 20.00, 21.20, 22.30 «Пойтахт».
Ахборот дастури.

18.50 «Муסיқий меҳмон-хона».
19.15 ТТВда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.40 «Мушоҳада».
22.10 «Аёл қалби».
22.55 Кнонигоҳ.
«Коломбо: Қойилмақом жиноят».
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканалли

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 - 8.00.
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести-спорт».
17.20 «Хинд оҳанглари».
17.40 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.55 «Саҳна ортида».
Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Муз даври».
Сериал.
21.40 «Бизнес ревию».
21.45 «Спорт технологи-

яси».
22.05 Кинематограф.
«Беверли-хилзлик полициячи».
Бадий фильм.
23.45 «Ахборот».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очили-ши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Тангридан ҳеч қандай дарак йўқ». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесе-риал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Хуж-жатли сериал». 18.00 «30-канал» киноқшоми. «Ўлим дарёси». 19.30 «Ошиқона». Муסיқий да-стур. 19.45 «Бизнинг ша-ҳарлик йигитлар». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтой-лар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Танлаш хавфлиги». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

10

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Эзги таътил кунлари-да.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Қизикарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Тараққиёт уфқлари».
10.25 Тирик сайёра.
«Ноилж сайёдлар».
11.15 «Ринг». Спорт дастури.
11.35 С. Зуннуова.
«Келин». Теленовелла.
12.05 «Фанимиз истиқ-боллари».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Алиса». Мульт-фильм.
13.45 «Журналист

тахлили».
14.10 Кундузги сеанс:
«Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм.
15.20 «Меҳр қолур».
15.40 «Камила». Телесе-риал.
Эзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.10 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Ёш юлдузлар».
3. «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
17.40 «Харита». Халқаро шарх.
18.10 «Тўмарис ўйинла-ри» республика фести-

вали.
18.30 «Сихат-саломат-лик».
18.50 Бир жуфт кўшиқ.
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар овози.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақла-ри».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулқот.
21.45 ТВ клип.
21.55 «Ўзбекистон» телеканаллида илк

«Ёшлар» телеканалли

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонги сериал: «Доктор Финли» 7 - қисм.

10.05 ТВ - анонс.
10.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
10.30 Уйна, болажон, уйна.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 «Гвадалупе». Телесе-риал.
11.45 Спорт - китъаси (рус тилида)
12.15 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.35 Ракурс.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Эзги таътил экранли: «Самовий саргузаштлар» 19-қисм.
13.35 «Мульттомоша».
13.50 Интерфутбол.

15.30 Фазал соғинчи.
15.50 «Ҳақиқат чегара-си». Сериал.
16.15 ТВ - анонс.
16.20 Жаҳон жүгрофия-си.
17.10 Сув - ҳаёт манбаи.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Сеними, шошмай, тур!» Мульт-фильм.
17.40 ТВ - анонс.
17.45 Ёшлар овози.
18.05 Сийрат.
18.25 Табобат олами-да.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55

Иклим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 «Антика томоша».
Хужжатли фильм 7-қисм.
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 Бегойим.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.35 Кутқарув «050».
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.20, 22.35 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва маъсулият».
19.05 «Ўзбектеlevision» студияси намойиш. этади: «Сарчашма».
19.15 ТТҲда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
21.00 ТТҲда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.40 «Умр йўлдоши».

22.10 «Ханда дўкони».
23.00 Кинонигоҳ.
«Энагалар».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим.
«Халқаро» телеканалли
БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 - 8.00.
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести-спорт».
17.20 «Спорт-ёшлар келажаги».
17.35 «Евроњьюс» янгиликлари.

БИРИНЧИ КАНАЛ.
17.55 «Саҳна ортида».
Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Муз даври».
Сериал.
ЎзТВ-IV.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Юқори технологиялар олами».
21.55 «Ишбилармон кишилар».
22.15 «Соккер клуб».
22.35 «FCN Ўзбекистон»

янгиликлари» (инглиз тилида)
22.45 «Арт-каталог».
23.05 Кинематограф.
«Йўқолган ёрлик».
Бадий фильм.
00.15 «Ахборот».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30-да спорт».
11.10

«Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Танлаш хавфлиги». Фильм.
13.30 «У қотилликни баён этди».
Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.50 «Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Босқинчининг парвози».
19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.45 «Бош роллар». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Қора фаришта».
23.15 Спорт дастури.

JUMA

11

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалиқнинг мовий осмони».
2. «Ёш юлдузлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 Тирик сайёра.
«Ноилож сайёдлар».
10.55 «Бир жиноят изидан».
11.20 «Нафосат гулшани».
11.40 «Сихат-саломатлик».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
12.05 «Леопольднинг саргузаштлари».
Мультсериал.
13.15 «Тумарис ўйинлари» республика фестивали.
13.35 «Олам». Телеальманах.

14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Сирли шарча». Бадий фильм.
15.55 «Истеъдод».
16.10 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм премьераси.
5-қисм.
18.10 «Ўзбектеlevision» намойиши: Ўзбек спорти жаҳон майдонида: «Бангкокда бир кун».
18.20 «Тафсилот».
18.35 «Иктидор». Интеллектуал уйин.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикад мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
21.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари».
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».

21.05 «Муносабат».
21.35 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Руслан Шарипов куйлайди.
21.55 «Ўзбекистон» телеканаллида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.25 Болалар спорти: Кишлоқда қайси спорт турини ривожлантирган маъқул?
22.45 «Олтин бешик».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал «Доктор Финли» 8-қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 ТВ - анонс.
10.25 «Курбақа малика». Мультфильм.
11.05 Бегойим.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Шарқ таронала-

ри» фестивали оҳанглари.
12.35 Сийрат.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экранни: «Самовий саргузаштлар» 20-қисм.
13.35 «Питер ва сеҳрли тухум». Мультфильм.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Саломат бўлинг.
16.00 ТВ-анонс.
16.05 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Хар соҳага саёҳат, Болалар шеърляти.
17.00 «Мульттомоша» дастури.
17.15 Дунё ажойиботлари.
17.35 ТВ - анонс.
17.40 Кишлоқдаги тенгдошим.
18.00 Аскар мактублари.
18.20 ТВ-Бинго миллионер. Телелотерея.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Азизим.
20.40, 21.25, 22.35

Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Болалар спорти: аҳвол қандай?
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс ва тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканаллида спорт дастури:
1. Ринг қироллари,
2. Футбол плюс.
0.15 Автосалтанат.
0.30 - 0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болалар экрани.
18.30, 20.00, 21.20, 21.55 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Билим» телеклуби.
19.15 ТТҲда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».

21.00 ТТҲда сериал «Гиннес шоу».
21.40 «Эл хизматида».
22.20 Кинонигоҳ.
«Лужин ҳимояси».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканалли
БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 - 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести-спорт».
16.50 «Спорт - Ватан равнақи».
17.05 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.20 «Хужжатли детектив».
17.55 «Саҳна ортида».
Сериал.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Йил кўшиқлари».
Ез.
22.10 «Дурдаршан».
22.35 «Хит-парад».
23.05 «Стиль».
23.20 «Бешинчи гилдирак».

23.30 «Эслайсизми?»
23.45 «Ахборот».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Маърифат дастури».
11.10 «Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Қора фаришта». Фильм.
13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30» да спорт.
16.50 «Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал» да ринг қироллари.
18.50 «Юмор дастури».
19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.45 «Бош роллар». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Пахлавон Санта-Клаус».
23.15 Спорт дастури.

Shanba

12

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
9.00 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.45 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикад мустаҳкамлиги йўлида».
10.05 Телевизион миниатюралар театри.
10.30 «Бу турфа олам».
11.20, 14.15 ТВ анонс.
11.25 Мумтоз наволар.
11.45 «Кўнғирқул».
Мультфильм.
12.05 «Дилафрузга тўрт ошиқ». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли.
13.50, 16.10 ТВ клип.
14.00 Болалар спорти: Кишлоқда қайси спорт

турини ривожлантирган маъқул?
14.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Руслан Шарипов куйлайди.
14.40 «Адабий жараён».
15.00 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
16.20 «Ягона оилада».
16.50 «Чорраҳа».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Покахонтас». Мультсериал.
2. «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.05 «Рангин дунё».
18.25 «Жиз-биз».
Ҳажвий кўрсатув.
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Оқ ва қора». Токшоу.
22.20 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим». Спорт дастури.
22.40 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.00 «Ўзбекистон» телеканаллида илк маротаба: «Қалбингда мангу яшайман». Бадий фильм.
1-қисм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: хар соҳага саёҳат, Болалар шеърляти.
10.05 Кувноқ стартлар. Телемусобақа.

10.35 Табобат оламида.
11.00 Дунё ажойиботлари.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
12.15 Вилоят ёш хонадалари куйлайди.
12.30 Ринг қироллари.
13.20 «Аёл зоти». Телесериал.
14.00 ТВ - анонс.
14.05 «Экспедиция». Кўп қисмли хужжатли фильм сериал.
14.55 Кишлоқдаги тенгдошим.
15.15 «Дўстим Жо». Бадий фильм.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
17.15 «Мульттомоша».
17.30 ТВ - анонс.
17.35 Мутуйба дастури.
18.10 Бола тилидан.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Никоб.
20.05 Кутилмаган

меҳмон.
20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Аёл зоти». Телесериал.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 Сув - ҳаёт манбаи.
23.00 «Ёшлар» телеканаллида премьераси «Янши, ёмон, ёвуз». Бадий фильм 1-қисм.
0.30-0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Афиша».
18.35 «Ўзбектеlevision» студияси намойиш этади: «Кошона».
19.15 «Мисли гавҳар».
19.30 ТТҲда сериал: «Гиннес шоу».
19.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
20.20 «Хусусийлашти-

риш: қадам-бақадам».
20.40 «Озод ва обод юрт». Бўстонлик тумани.
21.00 «Нима учун?»
21.30 Кинонигоҳ.
«Сўнги романс».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканалли
9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
10.00 Л Ахеджакова «Гараж» комедиясида.
11.50 «Мультсеанс».
12.15 «Олам бўйлаб».
13.00-14.00 Дўстлик видеоканали: «В доброй хате», «Чинсен», «Бизнен мирас».
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Билишни истайман».
16.25 «Ассалом, Франция!»
16.40 «Авиация дунёси».
17.00 «Топ мюзик».
17.10 С. Мишулин «Янши ўтирибмиз» комедиясида.
18.25 А. Пугачёва «Муҳаббат ҳақида

эртақлар».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV.
20.35 «Лаззат сеҳри».
21.05 «Кинопрофи».
21.25 Кинематограф.
«Осмондан тушган фаришталар». Бадий фильм.
22.55 «Ахборот».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал.
10.00 Болалар унун фильм.
11.30 «Маърифий дастур».
12.00 Ойлавий кино: «Пахлавон Санта-Клаус».
13.40 Хужжатли сериал.
14.30 Хинд киноси.
17.00 Телеуйин.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Британик».
19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.00 «Асли ҳаёт». Сериал.
20.30 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.05 «Провинциаллар». Сериал.
22.00 «30-канал» да кинооқшом.
«Ўлим поезде».
23.45 Мусиқий дастур.

Yakshanba

13

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.20 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Зарғалдоқ».
Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10, 13.55 ТВ анонс.
12.15 ТВ 1 кинотеатри: «Шоҳидамас, баргида». Бадий фильм.
14.00 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
14.40 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
15.00 «Стюарт Литл». Бадий фильм.
16.30 ТВ клип.

16.40 «Оқ ва қора». Токшоу.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Болалар ва катталар».
2. «Олтин тож». Телевизион уйини.
18.25 «Бир кулишайлик».
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Кўшиғимиз Сизга армугон».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Қорақалпоқ наволари». Қорақалпоғистон санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
«Якшанба кинозали»:
21.55 «КиноТеатр».
22.15 «Ўзбекистон» телеканаллида илк маротаба.

«Қалбингда мангу яшайман». Бадий фильм. 2-қисм.
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион - дам олиш дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
9.50 «Давр» - репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.40 ТВ - анонс.
10.45 «Заковат» интеллектуал уйини.
11.35 «Мульттомоша».
11.50 Кўҳна оҳанглари.
12.00 «Антика томоша» Хужжатли фильм 6-қисм.
12.25 «Ёшлар» телеканаллида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Аскар мактублари, 2. Кутқарув «050».
13.00 «Аёл зоти». Телесериал.
13.40 Чемпион сирлари.
14.00 «Экспедиция». Кўп қисмли хужжатли сериал.

14.50 Азизим.
15.15 «Антика томоша».
Хужжатли фильм 7-қисм.
15.40 «Зинама-зина» телеуйини.
16.05 «Камтарин кулингиз». Бадий фильм.
16.25 ТВ - анонс.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, «Қуралай» болалар ансамбли, Мультфильм.
18.25 Хандалак плюс.
18.30 Спорт ҳафтанома-си.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.50 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 20.10, 22.30 Эълонлар.
19.30 «Аёл зоти». Телесериал.
20.15 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал уйин.
21.05 Яқин - йироқлар. Бадий-публицистик кўрсатув. Бухоро вилояти.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта

ичида.
22.35 ТВ - анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Янши, ёмон, ёвуз». Бадий фильм 2-қисм.
0.20 - 0.25 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.05 «Жаҳон географияси».
19.35 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
20.05 «ТВ плюс».
20.35 ТТҲда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.00 «Озод ва обод юрт». Эфирда Чирчиқ шаҳри.
21.20 Кинонигоҳ. «Тунда бўлган воқеа».
23.00-23.05 Хайрли тун, шаҳрим.
«Халқаро» телеканалли
9.05 Кўрсатувлар тартиби.

БИРИНЧИ КАНАЛ.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
ЎзТВ-IV.
10.05 «Мультсеанс».
10.25 «Фан-тайм».
10.35 «Кайфият».
12.05 «Парле ву франсэ?»
12.30 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
12.50 «Кувноқ инглиз тили».
13.00 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
13.10 «Ошхонада инглизча гаплашамиз».
13.20 - 14.40 Дўстлик видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Айчурек», «Корейс тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Соғинч».
17.25 «Дунёга назар».
17.45 «Ҳикоя».
18.10 «Қийиқ кўзгу».
Е. Петросян таклиф этади.
20.00 «Время».
20.35 «Тенгдошлар».

21.10 Кинематограф.
«Жазирама Париж». Бадий фильм.
22.55 Бокс. Жаҳоннинг кучли профессионаллари жанги. Ю. Романов - Н. Клаасен.
23.55 «Тахлилнома».
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал.
10.00 Болалар унун фильм.
12.00 Ойлавий кино: «Ўлим поезде».
13.40 «Хужжатли сериал».
14.30 Кундузги кинозал: «Қароқчи чоллар».
16.10 Дам олиш дастури.
16.40 Мусиқий дастур.
17.00 Телеуйин.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Фирт ёлгон».
19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.00 «Асли ҳаёт». Ҳажвий сериал.
20.30 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.05 «Провинциаллар». Сериал.
22.00 «30-канал» да якшанба кинооқшоми.
«Феникс парвози».
0.15 Спорт шарҳи.

Бокс

ИЛҲОМ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Спортнинг бокс тури бўйича Руминиянинг пойтахти Бухарестда 1986-1988 йилда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу чемпионатда 39 та давлатдан 243 нафар спортчи катнашди.

Ўзбекистон шарафини эса 9 нафар боксчимиз муносиб равишда ҳимоя қилишди. Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор эди. Илҳом Раҳимов 50 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Фарҳод Тўйчиев, Аҳрор Муралимовлар ҳам ўз вазн тоифаларида беллашишди.

Умумжамоа ҳисобида эса Ўзбекистон

терма жамоаси учинчи ўринни олди.

Ўсмирларимиз юқори натижаларга эришган ҳолда ушбу нуфузли мусобақадан қайтиб келишган бўлса, энди навбат катталарга келди. Кунни кеча улар Таиландда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида жўнаб кетишди. Ушбу чемпионат 13 июль кунни ниҳоясига етади.

Ўз мухбиримиз.

Енгил атлетика

ВАКИЛЛАРИМИЗ ИККИНЧИ

Республика Олимпия заҳиралари коллежида спорт гимнастикаси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақалар спорт ўсталари ва спорт ўсталигига номзодлар ўртасида ўтказилди.

Бир неча снарядларда бўлган беллашувлар натижасига кўра, аёллар мусобақасида умумжамоа ҳисобида пойтахтлик спортчилар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги поғонани вилоятимиз вакиллари банд этди.



Футбол

ДАЪВОГАРЛАР МАЪЛУМ

2002-2003 йилги Ўзбекистон

Кубоги баҳсларида тўрт жамоа ярим финал жавоб учрашувларини ўтказди.



Пойтахтдаги «Пахтакор» ўйингоҳида пахтакорчилар ярим финал жавоб учрашувини ўтказдилар. Биринчи ярим финал ўйинида Термизда «Сурхон» жамоаси «Пахтакор»ни 2:1 ҳисобида енгиб, футбол мухлислари орасида шов-шувга сабаб бўлган эди. Жавоб учрашувиде пахтакорчилар финалга йўллангани қўлга киритишлари учун камиде 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишлари шарт эди. Ўйингоҳга тўпланган мухлислар қизиқарли учрашув гувоҳи бўлдилар. Дастлабки дақиқалардан майдонда устунлиқни қўлга олган «Пахтакор» ҳужумчиси З. Тожиев 14-дақиқадаёқ жарима майдонига йўлланган тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очиги эришди. Меҳмонлар дарҳол қарши ҳужум уюштирдилар. Уларнинг ҳужумларидан бири 34-дақиқада самарали яқунланди. Сурхончилар жавоб тўпини киритиб, ҳисобни 1:1 га тенглаштирдилар. Иккинчи бўлимда пахтакорчилар таркибиде майдонга тушган Миржалол Қосимов ўзининг фаол ҳаракатлари билан жамоаси устунлигини таъминлади. Миржалол Қосимов 51-дақиқада жарима тўпини дарвозага аниқ йўллаб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Сўнгра Марат Бикмаев меҳмонлар дарвозасига учинчи тўпни киритиб, ҳисобни 3:1 га етказди. Сўнгра Анвар Солиев, Зайниддин Тожиев, Марат Бикмаев меҳмонлар дарвозасини яна ишғол қилдилар. Учрашувнинг сўнги дақиқасида Зайниддин Тожиев рақиб дарвозасига еттинчи тўпни киритиб, ҳисобни 7:1 га етказди. Шундай қилиб, икки учрашув натижасига кўра «Пахтакор» финалчига айланди.

Иккинчи жавоб учрашуви Қаршида «Насаф» ва «Навбахор» жамоалари ўртасида ўтказилди. Бу жамоаларнинг Намангандаги баҳсида қаршилиқлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар. Ярим финал жавоб учрашувиде ҳам насафчиларнинг қўли баланд келди. Энди «Пахтакор» ва «Насаф» 13 август — чоршанба кунни Тошкентда белгиланган учрашувда кубок учун баҳс юридилар.

Талъат ЮСУПОВ.

У қайси турни танлагани ва қандай кийимда мусобақалашгани маъқул?

Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатда болалар ва ўсмирлар спортини ҳар томонлама ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланишида улкан замин яратди. Ҳеч шубҳа йўқки, республикамизда анъанага айланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» каби қатор спорт ўйинларида катта қизиқиш ва интилиш билан иштирок этаётган ёшларимиз орасидан Ўзбекистон шарафини жаҳон миқёсида муносиб ҳимоя қиладиган маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда. Улар орасида маҳаллий миллат вакиллари, айниқса, ўзбек аёллари ва қизлари қанча кўп бўлса, шунча яхши. Тўғри, Ўзбекистон спортини оламга танитаётган иқтидорли хотин-қизларимиз ҳозир ҳам оз эмас. Уларнинг мамлакатимиз медаллар хазинасига қўшаётган ҳиссалари анча салмоқли.

Лекин, бизнингча, ана шундай етук спортчи аёлларимиз сафида маҳаллий миллат вакиллари анча кам. Нега шундай? Бунинг асосий сабаблари нимада?

Биз ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида республика тоифасидаги мутахассислар билан суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия институтининг енгил атлетика кафедраси мудири вазифасини бажарувчи Тиллажон РАСУЛОВА:

— Мазкур мавзу ҳақиқатан ҳам анча долзарб масала. Маҳаллий ўзбек аёлларининг спорт жабҳасидаги фаоллигини бугунги давр талаблари даражасида, деб бўлмайди. Бирок, шуни ҳам эътироф этиш керакки, нафақат аёл ёки ёш қиз болага, балки, умуман, ҳеч кимга сен спортнинг мана бу тури билан шуғуллан, ёки бу тури сенга тўғри келмайди, деб айтиб

бўлмайди. Бу кўнгилнинг иши, у ҳаётини эҳтиётдан келиб чиқади.

Спортга эндигина кириб келётган ўзбек қизлари аввал енгил ҳамда тез югуриш машқлари билан ўзларини чиниқтиришга мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, спортнинг сер-

МАЙДОНДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ



ҳаракатли турлари ҳам аёлларимизнинг саломатлиги ҳамда гўзаллигининг гарови сифатида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Спортчи аёлларимиз ва ёш қизларимизнинг машғулотлар ҳамда мусобақалар пайтида кийадиган кийимлари асосан трикотаж мато ва пахта толасидан тикилган бўлгани маъқул. Қолаверса, фурсатдан фойдаланиб, яна бир шахсий фикримни айтмоқчиман. Маҳаллий аёлларимиз ва ёш қизларимизни спортга жалб этишда оммавий аҳборот воситаларининг аҳамияти ва таъсири беқиёсдир. Телевидение, радио ва газета-журналлар спорт билан шуғулланишнинг нақадар зарурлигини, соғлом авлод яратилишидаги аҳамияти жуда муҳим эканлигини улар онгига сингдириши лозим.

Долзарб мавзу

Тошкент шаҳар каратэ федерацияси президенти Шерали СУЛАЙМОНОВ:

— Юртбошимиз таъкидлаганларидек, спортнинг ҳамма турлари ҳам ифбатли ва ибодли ўзбек қизларига тўғри келавермайди. Улар сузиш, гимнастика, волейбол, баскетбол турлари билан шуғулланганлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу спорт турлари бўйича мусобақаларда кийиб чиқиладиган ҳозирги кийимлар кўпчиликка

учун алоҳида ечиниш-кийиниш хоналари йўқ. Ювиниш хоналари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Аёлларни спортга жалб этишда ана шу масалалар эътибордан четда қолмаслиги керак.

Уларнинг спорт кийимлари масаласига келсак, тиззадан пастга тушиб турадиган шорт, кенгроқ футболка кийиб майдонга тушишгани маъқул, деб ўйлайман. Бошқача қилиб айтганда, спортчи хотин-қизларимизнинг либослари ҳам қулай, ҳам миллий одоб-ахлоқ кўникмаларига мос бўлиши керак.

Яна бир гап. Кўп йиллардан буён ёш авлодга каратэ сирларини ўргатиб келмоқдамиз. Машғулотларда қизлар кимоно ичидан бўйингача бўлган футболка кийишади. Чунки, жанг пайтида кўкрак қисми очилиб кетиши турган гап. Хуллас, ўзбек қизларининг спорт кийимларига бўлган баъзи эътирозлар ва биз мурабийлар қўяётган талаблардан келиб чиқиб, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси каби тегишли корхоналар бу хусусда изланишлар олиб бориб, маъқул тавсияларни беришлар, айтиш мудоаа бўлур эди.

Жисмоний тарбия институтининг биокимё ва гигиена кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор Негбой РАҲМАТОВ:

— Яхши биламизки, спорт билан шуғулланган қизлар одобли, қоматлари келишган, ўзлари соғлом ва интизомли бўлишади. Уларга спортнинг волейбол, баскетбол, енгил атлетика турлари билан шуғулланишни тавсия қилган бўлардим. Бокс, кураш, каратэ каби жанговар спорт турлари миллий урф-одатларимиз, ахлоқ-одоб андозалари нуқтаи назаридан бизнинг қизларимизга у қадар мос бўлмасе керак. Шунингдек, маҳаллий миллат вакиллари бўлган хотин-қизлар учун алоҳида спорт заллари ташкил этиш лозим, деб ўйлайман.

...Демак, хулоса қиладиган бўлсак, фикрлар хилма-хил, масалага ёндошишлар турлича. Уларнинг ҳар бирида қайсидир даражада жон бор. Хусусан, мутахассисларнинг кўпчилиги ўзбек аёл ва қизлари учун спортнинг баскетбол, волейбол, енгил атлетика, сузиш, теннис турларини тавсия қилишади. Спорт кийимларининг бир тури уларни қониқтирса, бир тури урф-одатларимизга зид бўлгани учун эътироз билдиришади.

Умуман, ушбу мавзуга бир давра суҳбат билан ойдинлик киритиб бўлмайди, албатта. Шунингдек, уч-тўрт кишининг фикр-мулоҳазаси билан гапга нуқта қўйиш ҳам ноўрин. Истардикки, ушбу долзарб масала юзасидан баҳс-мунозараларда турли соҳа ва доира вакиллари фаол иштирок этишса. Зеро, ҳақиқат баҳс-мунозарада юзага чиқади. Хуллас, мактубларингизни кутамиз.

Хуришда НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Шоҳмот

ХОТИРА ТУРНИРИ

Кибрай тумани шоҳмот клубида Жўра Хоназаровнинг хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. 82 нафар шоҳмотчи иштирок этган ушбу мусобақа 2 гуруҳга бўлинган тарзда олиб борилди. Турнирда 3 нафар спорт ўсталари, 22 нафар спорт ўсталигига номзод ҳамда 20 га яқин 1-тоифали спортчилар иштирок этди.

Шоҳмот ишқибозлари 9 кун мобайнида қизгин ҳамда мурасасиз беллашувларнинг бевосита гувоҳига айланишди.

Турнир интиҳоясига етди. Биринчи гуруҳда чирчиқлик Шоҳрух Холмирзаев 7,5 очко жамғарган ҳолда биринчи ўрин

соҳибига айланди. Халим Тўраев (Бухоро вилояти), Комил Раҳматулин (Сурхондарё вилояти) ҳамда Аҳмад Бобоев (Тошкент шаҳри)лар 7 очко билан 2-3-4 ўринларни эгаллашди.

Муҳаббат АЮБЖОНОВА.



ЁШ ШОҲМОТЧИЛАР БЕЛЛАШУВНИ БОШЛАДИ

Кейинги йилларда ёшларимиз ўртасида ақл гимнастикаси — шоҳмотга бўлган қизиқиш анча ошмоқда. Буни пойтахтдаги шоҳмот-шашка клубида 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида шоҳмот бўйича бошланган Ўзбекистон чемпионати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шоҳмот федерациясидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, ҳар йили ўтказилаётган ушбу анъанавий мусобақада катнашиш учун мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан 20 қиз ва 48 ўғил бола келган. Ёш шоҳмотчилар 10 июлга қадар мамлакат чемпионлиги учун дона суради.

Шаҳноза МАЛИКОВА.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
sog'g'i
xabarlar

ЯҚИН ШАРҚ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

Нихоят оддий, тинчликпарвар инсонларнинг орзу қилган кунлари яқинлашаётганга ўхшамоқда. Яқин Шарқ минтақасидан яхши хабарлар келмоқда. Фаластиннинг ХАМАС ҳамда «Ислом жиҳади» каби муҳолифатчи гуруҳлари алаалоқибат Исроилга нисбатан террорчилик хатти-ҳаракатларини тўхтатишга розилик бердилар. Бироз кейинроқ, бу жараёнга ашаддий ФАТХ жангарилари ҳам қўшилганликларини эълон қилдилар. Шундан сўнг мухторият раҳбари Ёсир Арофат ўзининг вакили — «Фаластинни озод этиш fronti» раҳнамоси Аҳмад Саадатга келишув тўғрисидаги шартномага қўл қўйишни топширди.

Эндиликда Вифлеем шаҳрида осойишталик ўрнатиш вазифаларини зиммасига олган Фаластин полициячилари тайёргарлик машқларини амалга ошира бошладилар. Икки ўртадаги муносабатларнинг ҳамон қалтислигига қарамай, Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос «Йўл харитаси» деб аталган ҳужжат асосида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш шартларини муҳокама этиш учун яна қайта учрашдилар.

БОШҚАРУВ ҚЎЛДАН-ҚЎЛГА

Ўтган сешанбадан эътиборан, Чеченистонда янгича тартиботлар амал қила бошлади. Аксилтеррорчилик операцияларини бошқариш ишлари Федерал хавфсизлик хизмати маҳкамасидан Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Кенг кўламли ҳарбий хатти-ҳаракатларнинг тўхтатилганлиги, йирик жангари гуруҳларнинг маҳв этилганлиги, авфия эълон қилинганлиги, аҳоли қўлидаги ўқотар қуролларнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш идораларига топширилаётганлиги юқоридагидек йўл тутиш имкониятларини яратди. Эндиликда барча муаммолар қурол кучи билан эмас, сиёсий тadbирлар воситасида ҳал этиладиган бўлади, деди РФ Ички ишлар вазирининг ўринбосари В. Васильев.

БЛИКС ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли тузилмалари ҳар хил соҳаларни тасарруф этади. Ханс Бликс каби мутасаддилар эса асосан жаҳон мамлакатларидаги қурол-яроқ масалалари билан шуғулланар эдилар. Лекин, ўз иши бўйича катта мутахассис бўлган БМТнинг қурол-аслаҳалар бўйича бош инспектори Х. Бликс яқин кунларда истеъфога чиқажаклигини билдирди. Швециянинг собиқ ташқи ишлар вазири сўнгги йилларда БМТнинг Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини текшириш гуруҳига раҳбарлик қилди. Лекин у эндиликда Ироқда шундай қуроллар бўлганми, йўқми, деган саволга аниқ жавоб беролмаслигини ҳам тан олди.

Қисқа сатрларда

Германия ўз ҳарбийлари Форс кўрфазидаги фаолиятини тугатганини эълон қилганди. Куни кеча ГФР қуролли кучларининг 100 нафар хизматчиси Кувайтдан ватанига қайтиб келди. Улар Ироқда коалиция кучларининг кимёвий, биологик ҳамда радиация хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2002 йилнинг февралда Кувайтга жойлаштирилган эди.

Японияда денгиз ҳалокати рўй берди. Окосима ороли яқинида "Коио-мару 18" балиқчи кемаси Панама байроғи остида сузаётган юк кемаси билан тўқнашиб, чўкиб кетди. Ҳалокат оқибатида экипаж аъзоларидан бир нафари ҳалок бўлди, 6 нафари эса бедарак йўқолди.

Япониянинг "Тойота" компанияси Хитойда автомобилсозлик корхонаси ташкил этиш лойиҳасини эълон қилди. Гуанчжоу вилоятида қурилажак бу корхонада "Тойота Кэмри" автомобилларини йиғиш режалаштирилган. Мазкур корхона "Тойота" компаниясининг Хитойдаги иккинчи лойиҳасидир.

Шарҳловчи минбари

КОРЕЯ ЯРИМОРОЛИ: МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шимолий Корейнинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммолар ҳамон ечим топмаяпти. Пхенянинг халқаро ҳамжамият талабларига бепасанд қарши нафақат минтақа, балки дунё аҳлини қаттиқ ташвишга солаётир. КХДРда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган оммавий қирғин қуролларининг террорчи гуруҳлар қўлига ўтиб қолиш эҳтимоли мавжуд экан, мазкур муаммога дунё ҳамжамияти бефарқ қарай олмаслиги табиий.

Шу боис Корея яриморлидаги ядровий тангликни тинч йўллар билан ҳал қилиш мақсадида АҚШ томонидан минтақа давлатларидан иборат мулоқот гуруҳи тузиш таклиф этилган эди. Мулоқот гуруҳи таркибида АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Хитой иштирок этиши режалаштирилганди. Бироқ Пхеня вакиллари таклифни рад этиб, бундай музокара АҚШ манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоларининг ушбу масалага бағишланган ёпиқ мажлисида АҚШ, Буюк Британия ва Франция вакиллари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартноманинг КХДР томонидан бузилишига қарши кескин чоралар кўриш таклифини ўртага ташлади. Япония ҳам Корея Иқтисодий тараққиёт ташкилоти (КЕДО) орқали КХДРда бунёд этилажак реакторлар қурилишини вақтинча тўхтатиб туришни таклиф

қилди. АҚШ Марказий разведка бошқармаси маълумотларига кўра, КХДРда ҳозир юзга яқин "Нодон" русумидаги баллистик ракета мавжуд. 1300 километр масофага уча оладиган мазкур ракеталарнинг парвоз доираси Жанубий Корея ва Япония худудини бемалол қамраб олади.

Халқаро ҳамжамиятнинг Шимолий Кореяга қарши кескин чоралар кўраётганига қарамай, Сеул Пхеня билан алоқани ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, ўтган куни Сеулда икки Корея ўртасида вазирлар даражасида ҳамкорлик масалалари юзасидан музокара бошланди. Унда Пхенянинг ядровий дастури билан боғлиқ масалани ҳам муҳокама этиш режалаштирилган.

АҚШ маъмурияти можарони дипломатик йўллар билан ҳал қилиш фикридан қайтганича йўқ. Куни кеча Вашингтонда АҚШ давлат котибининг ўринбосари Жеймс Келли, Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Су Хюк ҳамда Япония ташқи ишлар вазирлиги вакили Митоси Ябунака иштирокида уч томонлама музокара бўлиб ўтди. Унда КХДР билан кўп томонлама музокара бошлашнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

Нодирбек
ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА
шарҳловчиси.



Венеция транспорти - гондола.

БАРМОҚНИ УЗУК УЗИБ ОЛДИ

Олтин узуклар кўпинча қутқарувчиларни чақиритишга сабаб бўлади. Молдова пойтахтида яшовчи Родика Постован исмли хоним бармоғига қисилиб турадиган тилло узукни тақди, аммо, уни қайта чиқара олмади, боз устига нафақат бармоқ, балки, бутун мушти кўкариб, шиша бошлади. Қутқарувчиларни чақиритишга мажбур бўлинди. Улар халқ ичида «болгарка» деб юритиладиган ниҳоятда нозик аррачада хонимнинг бармоқларини узукдан халос қилдилар. Родика ҳозир касалхонага катнамоқда.



ПОЙГАДА РОҲИБАЛАР

Доминикан роҳибалари сўнгги пайтларда аранг, қўл учида кун кўраётган Лос-Анжелесдаги бошланғич мактабларни оёққа қўйиш ниятида қандай бўлмасин пул топиш йўлини излаб қолишди. Худонинг ўзи кечирар, деган умидда онахонлар ўқувчиларнинг ота-оналари қатори пойгада иштирок этиб, ҳар бири камида 225 доллар миқдорда пул тикди. Худованда карим уларнинг бу қилмишини қораламай, аксинча, уларнинг шарафли ишларига омад ёр бўлди. Роҳибалар жами 6 та пойгада ғолиб чиқиб, 75 минг доллар миқдордаги ютуқ пулига эга бўлиб қолишди.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

БАКТЕРИЯ ЧИҚМАСИН ДЕБ

Тиш докторларини байналмилал тилда дантистар деб аташади. Бу соҳага дахлдор мутахассислар тиш чёткасини унитаздан камида 2 метр нарироқда тутиб туришни тавсия этишмоқда. Бунинг боиси бор. Сиз сувни тушираётган чоғингизда майда сув заррачалари ҳавога тарқалади ва унитаз ичидаги бактерияларни ташқарига олиб чиқади. Улар тиш чёткалар қилига ўтириб қолиши мумкин.



Қатра

ЖОН РИШТАСИ

Касалхонада бемор болаларини олиб ётган Комила сингари ёш оналар талайгина. Аммо унга ўхшаган онани энди учратишим. Уч кундирки, унинг боласи жонлантириш бўлимида. Кўзлари киртайиб, ранглари саргайиб кетди, боякишининг.

— Бирор нарса тамадди қилиб олинг, — дейман унга.

— Ҳозир, — дейди ҳазин овозда.

— Бироз ором олинг, ахир, толиқиб қоласиз, — дейман яна

унинг олдидан ўтатуриб.

— Раҳмат, толиққанам йўқ, — дейди Комила.

— Кечасию, кундузи тик оёқдасиз, — баттар раҳмим келиб кетади унга.

— Қўяверинг, болам соғайиб кетса, бас! — кўзлари бир нуқтага тикилганча паришон ўтиради у.

Атрофга қоронғулик чўккан. Ҳамма ширин уйкуда. Аммо хуркак қадамларда шипиллаган шиппак товуши жонлантириш

бўлими эшиги олдига ўн марта-лаб бориб келади.

Кўзига тик қараб қолсангиз, ичингизда нимадир «чирс» этиб узилиб кетгудек бўлади. Комиланинг шахло кўзларидаги мунг, миждаларидаги ёш мавжига қўшилиб оқади дилингиз. Онаизор меҳрининг тугёни шунчалар чексизки, унинг уммонида оқиш ҳар биримизга насиб этсин-да!

Ичига чироқ ёқса ёришмайди шифохонага кўргани келган эрига йиғлаётган кўзлари билан кулади келинчак. Хушнуд кузатади уни эшикка. Аёлнинг сабри шу қадар мустаҳкам бўлишини мен унинг сийратиди кўрдим.

Уч кун... Комила кўзларидаги синиклик тувакдаги гулни саргайтириб юборади. Чақалоқ йи-

ғисини эшитса, ҳовлиқиб туриб кетадиган бўлди. Шифокорнинг ҳорғин нигоҳларини кўрса, вужудидан дармон қочадиган бўлди унинг.

Тунлари узун йўлакда йиғлай-йиғлай илтижолар қилиб чиқди у. Уч кунлик унлардан умид чечаклари униб, келинчакнинг жонриштасига бойланди. Шифо заҳматкашларининг олтин қўллари мурғак вужудни ҳаётга қайтарди. У чеккан азобдан ҳатто яқинлари ҳам беҳабар қолдилар.

Ногоҳонда Комиланинг масъум кўзларига тикилдим. Ундаги қувонч ёлқинини сиз ҳам бир кўрсангиз эди!

Нигора

ЖАЛОЛИДИНОВА.

Bolalik bog'i

MUZQAYMOQ



— Muzdek ekan muzqaymoq, Ukajon, ko'p yemagin. Keyin yig'lab, tomog'im — Og'rib qoldi, demagin.

— Muzqaymoq menga yoqar, Doim g'am yemang, deyman. Shoshmay turing, opajon — Hali o'ntasini yeyman!

Shavkat TUROB.

Шеърят

ЎШАЛ ЎЗБЕГИМДАН ҚИЛДИМ ИФТИХОР

ЯХШИЛИК
ҲАҚИДА СЎЗ

Кўкартса бўлмасму меҳрни экиб,
Бул ҳам эзгуликнинг ноёб кўриги.
Бугдою пахтаининг оларарига
Сочиби юборсак-чи, вафо уруғин.

Баҳорда ор қадаб томорқамизга
Кузда йиғиб олсак бир ғарам номус.
Сўнг уни тарқатсак

номуссизларга,

Ёким ўғирласа бирор ғаламис.

Куриб фурсатнинг дастгоҳларини,
Гавжум маҳалланинг

қоқ ўртасидан,

Дид ишлаб чиқарсак, карвон-карвон
дид,

Ва уни мерос деб ёзсак қасида.

Ҳатто, ажалга ҳам чап бердик,
ана,

Сунғий юрак билан жилмаяр бетоб.
Ҳаводан ўғитлар ажратилганда,
Наҳот яралмаса қўл бола инсоф.

Набирам, гапимдан кулма, не қилай,
Бобоннинг қўлидан келмас бўлак

иш.

Яхисиси, бўл саркаш хаёлларимни,
Ҳидоят йўлида айла парварииш.

Найлай, бекорчилик, кўнғил

экан-да,

Гоҳ ўзни ортиқча туяр экансан.

Ўзбекчилик экан, кўрсангда қадр,

Қадрдон йўқ дебон қўяр экансан.

Чапани хаёллар сурасан экан,

Гоҳ тўлиб, гоҳида озасан экан.

Ўзин эплалмаган Малик Эгамдек

Қишлоқи шеърлар ҳам ёзасан экан...

НОЁБ ОҚИБАТ

Мажруҳ қайнотасин кўтариб олган
Ёш, бева келинни кўрмагансиз сиз.

Шул ноёб оқибат ҳақида мендек

Ғаройиб хаёллар сурмагансиз сиз.

Хушидан мосуво, бенаво бўлган

Бегона кимсага ким қўймиш ихлос.

Афтода, ногирон, тирик мурдани

Қизғонган аёлни кўрганлигим рост...

Шул қадар жувонмард — ўйлаб ҳам
кўрмас

Мажруҳсиз эркинроқ, шоён

замонни.

Ҳар кун ўқиса-да чолнинг кўзидан,

«Тезроқ ўлсам эди» деган дostonни.

Эзгулик тимсоли —

топган-тутгани

Рўзғордан орттурса,

элга элтгандир.

— Савоб бўлмайдимки,

— деганларни

Эшитган тошлар ҳам гуллаб

кетгандир.

Шул қадар тадбиркор,

қайнотасини

Марзага ўтказиб тераркан машоқ,

Ҳаёт сафосини сурмоқ илмида

Не-не орифлардан кўра орифроқ.

Бардошда устувор, мусибатларда

Ишонгани, ёри — парвардигори.

Гўжа қайнатса-да, ямоқ солса-да,

Бойнинг хотинидан бирам юқори.

Шул қадар беназир —

аъмоли бирлан

Юз бир меҳрибонни айлағай инкор.

Миннатсиз банда ҳам бисёр

экан деб,

Ўшал ўзбегимдан қилдим ифтихор.

Суратида — меҳнат, ғайрат,

шижоат,

Сийратиди некбин меҳр мужассам.

Хуллас, ул мисоли очил дастурхон,

Неки истар бўлса, ўзидадир жаъм.

Оқибат йўқ, дебон жар солма,

маддоҳ,

Шундайлар бор экан, гўзалдир олам,

Яхшидан сўзламоқ савоб эмасму,

Ўзимиз яхшилик қилолмасак ҳам...

МАЛИК ЭГАМ,

Бекобод тумани.

ШАХСИЙ
КЎРГАЗМА

Бадий академиянинг Замонавий санъат марказида Мухаммад Нуриддиновнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

Мусавирнинг асарлари Ўзбекистоннинг музейларида, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Покистон, Россия, АҚШ, Туркия, Япония ва кўпгина бошқа мамлакатлардаги шахсий коллекцияларда сақланади.

У яратган асарлар, портретлар, табиат манзаралари, натюрмортлар образларнинг жўшқин ҳарорати билан йўғрилган.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА.

Халқ табобати

ИЛОНЧЎП

Халқ табобатида бу ўтдан тайёрланган дорилар, хусусан, баргларидаги дамламаси иссиқни туширадиган, яллиғланишни қайтарадиган, заҳарлар кучини кесадаган, оғриқни қолдирадиган, пешоб ҳайдайдиган восита тариқасида, шунингдек, қизамиқ, скарлатина, чечак касалликларининг олдини олиш учун ишлатилади.

Хитой табобатида илончўп ўти баргларида бадан куйганда, бирор жойи кесилиб кетганда ёки совуқ олганида, шунингдек, гуш, эшакем касалликларидида малҳамлар тайёрланиб, баданнинг зарарланган жойларига қўйилади.

Замонавий табобатда илончўп ўтининг барглари ва пояларидан сувда тайёрланган экстрактларнинг тажриба шароитида гормонларга қарши таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тайёрлаш усуллари: 1. 8 грамм миқдоридаги янчилган илдиз устига қайнаб турган 300 мл. сув қуйилиб, бошқа идишдаги сув устига ярим соат давомида қайнатилади. Сузиб олинади-да, қизамиқда 1/2 стакандан кунига 3 маҳал ичилади. 2. Майда тўғралган 1 ош қошиқ илончўп барглари ёки илдизларини бир ош қошиқ трихозантес илдизи билан аралаштириб, устига қайнаб турган 400 мл. сув қуйилади-да, бошқа идишдаги қайнаётган сувга қўйиб қўйилади. Сўнгра уни сузиб олиб, чипқон давоси учун 1/2 стакандан ичилади.

Бир чимдим кулгу



Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расм.

МЕН ҚАЧОН КЕЛАЙ...

Афанди бўёқхона очибди. Бир киши мато олиб келибди-да:

— Афанди, шуни бўяб бер, — дебди.

— Жоним билан, — жавоб қилибди Афанди, — қанақа рангга бўяй?

— Шундай рангга бўягинки, бу дунёда унақа ранг бўлмасин.

— У қандай ранг-ки, дунёда бўлмаса?

— Қизил ҳам бўлмасин, қора ҳам, кўк ҳам, яшил ҳам, сариқ ҳам, оқ ҳам.

Афанди тушунибди-ки, бу одам унинг устидан кул-япти.

— Жуда ҳам яхши. Сен хоҳлаганингдек қилиб бўяб бераман.

— Унда қачон келай, — сўрабди Афандини боладим, деб ўйлаган буюртмачи.

— Шундай кунда келгинки, — дебди Афанди, — у кун душанба ҳам, сешанба ҳам, чоршанба ҳам, пайшанба, жума, шанба, якшанба ҳам бўлмасин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
матбуотида тарқатилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-586. Адади 4044. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.15. 1 2 3 4 5 6